



ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ

2024/4(106)

11

Замонавий дунёдаги конституцияларнинг ўзига хос томони шундаки, уларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги ғоясига таянилади, инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият эканлиги қатъий белгиланади.

111

Оммавий ахборот воситаларидан нотўғри фойдаланиш, аудиторияни нотўғри тушуниш ва маълумотни етказишда аниқлик йўқлиги тингловчилар ўртасида ишончсизлик ва чалкашликка олиб келиши мумкин. Бу давлат органларининг обрўсига жиддий путур етказиши мумкин бўлган нотўғри маълумотлар, дезинформация ва ғийбатлар тарқалишини рағбатлантириши мумкин.

178

Толерантликнинг биринчи тарихий-сиёсий шакли диний бағрикенглик бўлиб, унинг тамойили Вестфалия шартномасида (1648 йил) ўрнатилган. Бу шартнома бутун Германия бўйлаб лютеранлар, калвинистлар ва католикларнинг ҳуқуқларини тенглаштириш маъносида динларнинг тенглиги учун асос яратган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси

ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ

Общество и управление / Society and Administration

2024
4 (106)

1997 йилдан нашр этилади

Тошкент – 2024

ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ

Бош муҳаррир:
Бекмуродов А.Ш.

Таҳрир ҳайъати:
Азизов Х.Т.
Умаров А.Ю.
Сатторов С.А.
Хамроходжаев Н.Я.
Хусанов О.Т.
Бекмуродов М.Б.
Раҳимова Д.Н.
Жалилов А.Т.
Юлдашев А.Э.
Хамидулин М.Б.
Хайитов Х.С.
Асадов Ш.Ғ.
Холов А.Х.

Таҳририят:
Масъул муҳаррир:
Боймуродова Ш.Ш.

Муҳаррирлар:
Кабулова Д.Б.
Абдуллаева Г.Л.
Рахимов Д.Ғ. (инг.)

Мусахҳих:
Шорихсиева А.Ғ.

Бадий муҳаррир:
Бобожонов Б.С.

Таҳририят манзили:
100066, Тошкент,
Ислом Каримов кўчаси, 45.
e-mail: jurnal95@mail.ru
ISSN 2181-7340

Журнал Ўзбекистон
Республикаси Матбуот
ва ахборот агентлиги
томонидан 2013 йил
10 апрелда 0201-сон
билан рўйхатга олинган.

Мақолалардаги
маълумотлар тўғрилиги
учун муаллиф жавобгар.


Бичими 60x84 $\frac{1}{8}$.
Нашр босма табағи 13,25.
Адади 70 нусха.
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви
академияси босмаҳонаси.
Ўвоҳнома № 10-3723.
21.06.2016 й.

Муассис:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

Журнал Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан ижтимоий-иқтисодий фанлар йўналиши бўйича олиб борилаётган тадқиқотларнинг натижалари асосида ёзиладиган илмий мақолаларни нашр этишга тавсия этилган оммавий ахборот воситалари жумласига киритилган.

**Сунъий интеллект технологиялари замонавий
тараққиётнинг асоси ҳисобланади. Ушбу соҳани
ривожлантириш орқали биз иқтисодиёт,
ижтимоий ҳаёт ва давлат бошқарувида илғор
ечимларни жорий қилишимиз мумкин.**



МУНДАРИЖА

Ректор минбари

- 4 Адхам Бекмуродов. **2024 йил сарҳисоби: Янги – 2025 йилда Давлат бошқаруви академияси олдида турган муҳим вазифалар**

Давлат бошқарувининг ҳуқуқий асослари

- 9 Мирзо Улуғбек Абдусаломов. **Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: инсон, жамият ва давлат муносабатларида мустақкам уйғунлик акс этган ҳуқуқий пойдевор**

- 19 Озод Хусанов. **Конституция ва инсон ҳуқуқлари**

- 25 Дилмуроджон Рахимов. **Давлат фуқаролик хизматига киришининг Конституциявий асослари**

- 33 Худоёр Мелиев. **Давлат хизмати тушунчаси, унинг давлат функцияси ва маъмурий тартиб-таомиллар билан алоқаси хусусида**

- 42 Абдулҳаким Эшмуратов. **Ўзбекистон фуқароларининг чет элдаги ҳуқуқий ҳолатини аниқлаш ва уни ҳимоя қилиш масалалари**

Иқтисодий ривожланиш йўлида

- 50 Игорь Бутиков. **Значение документов программного характера для развития отечественного фондового рынка**

- 60 Кахраман Сариев. **Иқтисодиётни ривожлантиришда саноат корхоналарининг ўрни ва уларнинг ривожланиш тенденциялари таҳлили**

- 69 Юлдуз Шамсиева. **Рақамли трансформацияни такомиллаштириш орқали банк секторини ривожлантириш**

- 77 Жахонгир Эргашев. **Давлат фуқаролик хизмати ташкилотларининг “жозибадор иш берувчи” сифатидаги брендини яратишнинг аҳамияти**

- 84 Динара Юсуббаева. **Минтақаларнинг барқарор ривожланишида инсон ресурсларини бошқариш масалалари**

Фуқаролик жамияти ва ижтимоий масалалар

- 91 Элёр Заитов. **Маҳалла институтининг фуқаролик жамиятидаги роли ва мақоми**

- 101 Мумтозхон Абдувалиева. **Ижтимоий давлат замонавий Ўзбекистонда инклюзив жамиятни ривожлантиришнинг асосий омили сифатида**

Бошқарувнинг замонавий усуллари

- 110 Алишер Умаров, Мансур Юнусов. **Давлат органларида медиасаводхонлик ва бошқарув самарадорлиги ўртасидаги боғлиқлик**

- 119 Икромжон Насруллаев. **Давлат бошқарувини модернизациялаш назарияларига нисбатан мавжуд ёндашувлар таснифи**

Давлат бошқарувида хавфсизлик масалалари: кеча ва бугун

- 127 Аброр Қиличев. **Амир Темурнинг давлат қурилишида хавфсизлик тамойили**

- 138 Хушнуд Рузметов. **Хавфларни бошқариш тизими божхона назоратининг асосий элементи сифатида**

Ташқи сиёсат масалалари ва хориж тажрибаси

- 146 Анвар Юлдашев. **Ўзбекистон ташқи сиёсатида Афғонистон омили**

- 156 Алишер Умаров, Қодир Жўраев. **Ўзбекистон ва ЮНЕСКО: ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари**

- 164 Алишер Эшанкулов. **Миллий сиёсий дискурсда “институционал механизм” тушунчаси: назарий таҳлил**

- 172 Лю Сюэмин, Ли Цян. **Хитойда камбағалликни қисқартириш бўйича тажриба ва хулосалар**

- 177 Мафтуна Ражабова. **Марказий Осиёда “бағрикенглик сиёсати”ни шакллантириш истиқболлари**

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ: инсон, жамият ва давлат муносабатларида мустаҳкам уйғунлик акс этган ҳуқуқий пойдевор



Мирзо Улуғбек АБДУСАЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Аннотация: мақолада демократик давлатлар ривожига конституцияларнинг тутган ўрни ва аҳамияти, Ўзбекистонда амалга оширилган конституциявий ислохотларнинг бош ғояси, “Инсон қадри учун” тамойили асосида Янги Ўзбекистонни барпо қилиш сиёсий-ҳуқуқий негизларининг Конституцияда акс этиши, “инсон-жамият-давлат” формуласининг юридик кафолатланиши, Президент Шавкат Мирзиёевнинг кучли сиёсий иродаси асосида халқчил давлат қуриш, демократлаштириш ва очиқликни таъминлаш йўлида амалга оширилган туб ислохотлар моҳияти, шу жумладан суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, шунингдек Конституцияни тўлақонли амалга ошириш, уни тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш механизмларига оид масалалар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Конституция, конституциявий ислохотлар, суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат, “инсон-жамият-давлат” формуласи, Янги Ўзбекистон, халқчил давлат, Конституция ва қонуннинг устунлиги принципи, Конституциянинг олий юридик кучи ва унинг тўғридан-тўғри амал қилиши механизмлари, суд ҳокимияти, Конституциявий суд фаолияти.

Конституция Республики Узбекистан в новой редакции: правовая основа, отражающая прочную гармонию отношений человека, общества и государства

Мирза Улуғбек АБДУСАЛОМОВ,
Председатель Конституционного суда
Республики Узбекистан, Заслуженный
юрист Узбекистана

Аннотация: в статье проанализированы роль и значение Конституции в развитии демократических государств, главные идеи осуществленных в Узбекистане конституционных реформ, отражение в Конституции политико-правовых основ построения Нового Узбекистана на базе принципа “Во имя чести и достоинства человека”, юридическое гарантирование принципа “человек-общество-государство”, сущность коренных реформ, осуществленных на основе сильной политической воли Президента Шавката Мирзиёева на пути построения истинно народного государства, демократизации и обеспечения открытости, в том числе обеспечения независимости судебной власти, а также вопросы полноценной реализации Конституции и механизмы обеспечения ее прямого действия.

Ключевые слова: Конституция, конституционные реформы, суверенное, демократическое, правовое, социальное и светское государство, принцип "человек-общество-государство", Новый Узбекистан, государство, ориентированное на народ, принцип верховенства Конституции и закона, высшая юридическая сила Конституции и механизмы ее прямого действия, судебная власть, деятельность Конституционного суда.

The constitution of the Republic of Uzbekistan in the new edition: A Fundamental Legal Basis Reflecting the Strong Harmony of Relationships Between the Individual, Society, and the State

Mirza Ulugbek ABDUSALOMOV,
Chairman of the Constitutional Court
of the Republic of Uzbekistan,
Honored Lawyer of Uzbekistan

Abstract: the article analyzes the role and significance of constitutions in the development

of democratic states, the main ideas behind the constitutional reforms carried out in Uzbekistan, the reflection in the Constitution of the political and legal foundations for building a New Uzbekistan based on the principle of "For the Honor and Dignity of the Individual", the legal guarantees of the "person-society-state" formula, the essence of fundamental reforms implemented under the strong political will of President Shavkat Mirziyoyev in building a truly people-oriented state, democratization, and ensuring transparency, including the independence of the judiciary. Additionally, issues of the full realization of the Constitution and mechanisms for ensuring its direct effect are discussed.

Keywords: Constitution, constitutional reforms, sovereign, democratic, legal, social, and secular state, "person-society-state" formula, New Uzbekistan, people-oriented state, the principle of the supremacy of the Constitution and law, the supreme legal force of the Constitution, and mechanisms for its direct effect, judiciary, Constitutional Court activities.

Дадил ислохотлар залвори

Ўттиз икки йил – кўҳна тарих учун бир лаҳза. Ана шу қисқа даврда жонажон Ўзбекистонимиз мустақил ва суверен давлат сифатида тўла шаклланиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллагани, том маънода, улкан тараққиёт йўлини босиб ўтгани халқимизнинг улкан ютуғидир.

Ҳар бир демократик давлат ривожига миллий Конституция ҳуқуқий таянч ва энг муҳим омилдир. Конституция ва миллий қонунларга итоат муҳитида жамиятда миллий тотувлик ва барқарорлик ҳукм суриши, инсонлараро ўзаро ҳурмат мустаҳкамланиши, миллий ва умуминсоний қадриятлар қадр топиши азалий ҳақиқатдир.

Тарих шоҳид, давлатчилик ривожига қатъият билан олға интилиш ҳамisha ягона мақсад теграсида жипслашиш асосида амалга ошириладиган туб ўзгаришларни талаб этади. Халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш, одамлар ислохотлар самарасини узоқ кела-

жакда эмас, балки бугун ҳис этиши учун марказдан то қуйи даражагача бўлган давлат бошқарувида аҳоли фикри ва дардини тинглаш, очиқлик сиёсати, муаммоларнинг амалий ечимини топишга қаратилган барча саъй-ҳаракатлар – эл-юрт манфаати устувор бўлган ички ва ташқи сиёсатнинг миллий Конституциямизда белгиланган ғоя ва тамойилларнинг амалдаги самараларидир [1].

Одамларни рози қилиш ва ишончини қозониш эса, осон иш эмас. Бунинг учун янгича қараш ва ёндашув, янгича ҳуқуқий асослар, изчил ислохотларнинг мақсади ва салмоғига мос кадрларни жой-жойига қўйиш талаб этилиши айна ҳақиқатдир. Сўнгги йилларда ушбу олийжаноб мақсад – инсон манфаатлари устувор бўлган ўта муҳим дастуруламал ҳужжатлар қабул қилинди. Энг муҳими, уларни ишлаб чиқишда ўз фикрини билдириш имкониятига эга бўлган халқимиз ушбу дастурларни рўёбга чиқаришнинг фаол иштирокчисига ҳам айланди.

Кенг жамоатчилик иштирокида иш-

лаб чиқилган ва амалга оширилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ана шундай муҳим дастурий ҳужжатлардан бири бўлди [2]. Ушбу стратегия асосида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган уч юзга яқин қонун, тўрт мингдан зиёд фармон, қарор ва бошқа муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳаётийлиги амалда рўёбини топган мазкур ҳужжатлар асосида Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари янада мустаҳкамланди.

Бундай улуғвор ўзгаришларнинг халқимиз томонидан фаол қўллаб-қувватланиши Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари кенг йўл очди: “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ишлаб чиқилди [3]. Шу тариқа, дадил ислоҳотлар залворини, ютуқлар салмоғини, янгича бошқарув усулининг бардавомлигини, демократик жараёнларнинг ортга қайтмаслигини таъминлаш, халқимиз орзуси – Янги Ўзбекистоннинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини Конституцияда ифодалаш орқали янада мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш зарурати туғилди. Ўтган давр мобайнида халқимизнинг сиёсий тафаккури тубдан ўзгарди, сиёсий маданияти сезиларли даражада юксалди.

Бу Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида унутилмас тарихий жараёнга айланган конституциявий ислоҳотлар самарасида умумхалқ референдумида Конституция янги таҳрирда қабул қилинишида ўз ифодасини топди.

Муҳими, янгиланган Конституция демократик ислоҳотлар йўлидан Ўзбекистон ҳеч қачон ортга қайтмаслигини юридик кафолатлаб, мустаҳкамланган “инсон – жамият – давлат” тамойили асосида фақат олдинга қараб боришни қонунан мустаҳкамлади. Буюк келажак мақсадларига мос ҳуқуқий пойдевор яратилди [4].

Янгиланган Конституциянинг 154-моддасига биноан, 1-моддадаги қоидаларни қайта кўриб чиқиш мумкин эмас, деб белгиланди. Худди шунингдек, 154-модданинг ўзидаги айнан шу қоидадан иборат банд ҳам қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас [5].

Бошқача айтганда, ушбу норма билан Ўзбекистон демократиядан ҳеч қачон воз кечмаслиги, ҳуқуқий давлатчилиikka содиқлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Таниқли халқаро эксперт, Регионал диалог ташкилотининг директори Мьюша Севернинг таъкидлашича, “амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар натижасида Ўзбекистоннинг Асосий қонуни Европа давлатлари конституциялари билан таққослаганда, замонавий ва демократик тамойилларга асосланган ҳужжат сифатида эътироф этилмоқда. Бу эса, мамлакатда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида самарали мулоқот йўлга қўйилганидан ёрқин далолатдир”.

Кучли сиёсий ирода

Замонавий дунёдаги конституцияларнинг ўзига хос томони шундаки, уларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги ғоясига таянилади, инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият эканлиги қатъий белгиланади. Ўзбекистон Конституциясининг янги таҳрири инсоннинг жамият ва давлатдаги мавқеини белгилашда, бугунги маърифий дунёда инсон, унинг кадр-қиммати улуғ неъмат эканлигини алоҳида эътироф этади. Унинг 54-моддасида илк бор “Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадидир”, деб белгилаб қўйилди [6].

Шунинг учун замонавий конституционализм ютуқлари билан мазмунан бойитилган Муқаддима қисмида белгиланган мақсадлар қаторида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига содиқлигимизнинг эълон қилиниши, бунда “фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш” бош мақсад сифатида ил-

гари сурилишида чуқур рамзий маъно ва мазмун бор.

Бинобарин, ҳар қандай эркинлик давлатнинг қатъий иродаси ва қонунларига таянади. Шу боис, конституциявийликда муҳим ва ўта нозик масала – шахс, жамият ва давлат ҳокимияти ўртасидаги ўзаро мувозанат Янги Ўзбекистон давлатида инсон фойдасига ҳал этилиши бу борада қўлга киритилган улкан ютуқдир. Бу давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан белгилаб берилган юксалиш йўли ва амалга оширилаётган ислохотларнинг ортга қайтмаслигини ҳамда ягона тўғри йўл эканлигининг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Конституция ва қонун устунлиги принципи – Конституциямизда мустаҳкамланган миллий ҳуқуқ тизими бирлиги ва яхлитлигини кафолатловчи ўта муҳим конституциявий принциплардан. Бу қонунларда конституциявий норма моҳиятининг бузилишига, уларни турлича талқин қилиш ва қўллашга йўл қўймасликни назарда тутади.

Конституцияда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг энг олий мақсади сифатида белгиланиши, инсон қадр-қиммати ва шаъни дахлсиз ҳисобланиши, уларнинг бузилишига ҳеч бир нарса асос бўла олмаслиги шулар жумласидан.

Конституция нормаларига мувофиқ, инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши лозим ва ҳуқуқий чоралар ҳуқуқий мақсадга эришиш учун етарлича ва мутаносиб бўлиши зарур. Бош қонунимизнинг 26-моддасида инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги белгиланиб, ҳеч нарса шахсни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас, деган халқаро стандартларга мос илғор нормалар ўз аксини топди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг муҳим кафолати сифатида янги таҳрирдаги Конституциянинг 27-модда-

сида: ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади. Шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас. Шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шартлиги белгилаб қўйилди.

55-моддада кафолатланган ҳар кимнинг суд орқали ҳимояланиш ва судга шикоят қилишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Хусусан, янгиланган Конституция асосида, 2024 йил 15 февраль ҳамда 19 февралда қабул қилинган қонунлар билан давлат органлари, ташкилотлар, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судларга мурожаат қилишда давлат божи фуқаролардан олдиндан ундирилмасдан, ишни кўриб чиқиш натижаларига кўра айбдор тарафдан ундириш тартиби жорий этилди. Шунингдек, солиқ органларининг сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилинган қарорлари устидан тадбиркорларнинг тўғридан-тўғри судга шикоят қилишига доир чекловлар бекор қилинди [7].

Шунингдек, Асосий қонунимизнинг 48-моддасида ҳар кимнинг соғлиқни сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланган, давлат соғлиқни сақлаш тизимини, тиббий суғуртани ривожлантириш чораларини кўриши мустаҳкамланган [8]. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 21 февралдаги Фармони [9] ҳамда 5 сентябрь куни қабул қилинган қарори билан оғир гематологик, онкологик ва клиник иммунологик касалликларга чалинган беморларга паллиатив ёрдам кўрсатувчи хоспислар ташкил этилаётгани, давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш бошланганини алоҳида қайд этиш зарур [10].

Конституциямизнинг 52-моддасига

мувофиқ, давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади. Ушбу норма ижроси доирасида “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди ва уларнинг ўз касбий фаолиятини юритиши учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилиши, уларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланиши ва ҳуқуқлари амалга оширилиши учун кафолатлар кучайтирилди [11].

Яна бир халқаро эксперт – Лунд университетининг социология ва ҳуқуқ профессори Патрик Олссон (Швеция) мамлакат тараққиётида айланиб ўтириб, иқтисоднинг ҳолати муҳим аҳамиятини қўйидагича қайд этади: “2016 йилдан буён Ўзбекистонда Президент раҳбарлигида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шаффофликни таъминлаш ва демократияни ривожлантириш борасида янги меъёрлар жорий этилмоқда. Бу жараённинг самарали амалга ошишида ўз асосий омиллари алоҳида қайд этиш зарур: ҳуқуқий билимлар, сиёсий ирода ва тизимли имкониятлар. Сиёсий иродага тўхталадиган бўлсак, сўнгги саккиз йил мобайнида Ўзбекистонда туб ислохотлар амалга оширилди. Жамиятни демократлаштириш ва очиқликни таъминлаш йўлида кучли сиёсий ирода намоён этилди”.

Тараққиётнинг муҳим омили

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўз даврида қатъий амал қилганидек: “Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати йўқолади”. Шу маънода, давлатимиз раҳбари Конституция ва қонун устувор-

лигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони бўлишини алоҳида таъкидлашда улкан мақсад мужассам. Ушбу ҳаётбахш ғояда ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим, асосий принципларидан бири бўлган Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи ўз ифодасини топганини таъкидлаш ўринлидир.

Конституция ва қонуннинг устунлиги принципи миллий ҳуқуқ тизимидаги барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яхлит, ягона, барқарор ва ўзаро мувофиқлаштирилган бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Асосий қонуни-мизнинг 16-моддасига кўра, бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас. Конституциянинг устунлиги демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий шарти ҳисобланиб, Конституцияга сўзсиз ва қатъий риоя этилишини англатади [12].

Мамлакатимизда Конституция ва қонунлар устунлигини таъминлашда Конституциянинг ўзи ва ушбу мақсадларга хизмат қиладиган бир қатор таянч қонунлар қабул қилинган.

Жумладан, Конституциямизнинг 109-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида Ўзбекистон Республикасининг Президенти – фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг, Ўзбекистон Республикаси суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг кафилидир, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриши мустаҳкамланган. Бу конституциявий қоида ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда Конституция ва қонунга риоя этилишининг кафили сифатида давлат раҳбарининг ҳокимият тизимида юксак аҳамиятини кўрсатади [13].

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг 3-моддасига

биноан, “Конституциявий суд доимий фаолият юритувчи суд ҳокимияти органи бўлиб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўради” [14]. Бу Конституциявий суднинг мамлакатимизда Конституция ва қонунлар устунлигини таъминлашда ўзига хос махсус ваколатли судлов органи сифатидаги ўрнини кўрсатади, унинг қарорларида Конституция ва жорий қонунчилик ўртасидаги уйғунлик ва мувозанат акс этади.

Конституция ва қонун устунлигини таъминлашда “Прокуратура тўғрисида”-ги Қонун ҳам муҳим ўрин тутати. Ушбу Қонуннинг 1-моддасига кўра, “Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадilar” [15].

Шунингдек, бу жараёнда умумий юрисдикцияли судлар фаолияти муҳим аҳамиятга эга. “Судлар тўғрисида”ги Қонунда, суднинг асосий вазифалари сифатида фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари, халқаро шартномаларда, шунингдек, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда кафолатланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат эканлиги белгиланган [16].

Бундан ташқари, айтиш йўналишда парламент назоратининг алоҳида ўрни мавжуд. “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига биноан, “давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларнинг Конституция ва қонунларни ижро этиш, зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти юзасидан парламент назоратини амалга оширади” [17].

2023 йилнинг 23 июнь куни янги таҳрирдаги Конституция асосида судлар томонидан Конституция норма-

ларини тўғридан-тўғри ва бир хилда қўлланишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди [18]. Қарорда Конституция нормаларини тўғридан-тўғри амал қилувчи олий юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий асос сифатида қўллаш лозимлиги белгилаб қўйилди.

Конституциянинг қонун устуворлигига оид талаблари ва юқорида қайд этилган муҳим ҳужжатларда белгиланган асосий вазифалар бугунги кунда давлат ва жамият ривожининг асосий шarti ҳисобланади. Бу мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги таъминланишини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш вазифаси ҳар қачонгидан долзарб эканлигидан далолатдир.

Бошқача айтганда, Конституция ва қонунларга риоя қилишни таъминлаш тизими учун ушбу асосий омил мавжуд: биринчиси, барча ҳуқуқ субъектлари ўзининг Конституция ва қонунларга риоя этиш мажбуриятини аниқ англаши зарур; иккинчиси, Конституция ва қонунларга риоя этмаганлик ҳолатини аниқлашга қодир масъул ва мутасадди органлар бўлиши, уларнинг самарали ва тегишли чоралар кўра олиши; учинчиси, Конституция ва қонунларга риоя этмаганлик учун жавобгарликни белгиловчи ҳуқуқий нормалар самарадорлигининг таъминланиши.

Эзгу ғоялар рўёби

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган кенг кўламли ислохотлар, шу жумладан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар нуфузини ошириш, судларни демократлаштириш ва такомиллаштириш бўйича белгиланган чоралар натижасида, “Ўзбекистон Республикасининг Конс-

титутциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда [19].

Уларда кенг қамровли демократик ислохотларга мос равишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлаш, конституциявий одил судлов сифатини янада ошириш, ишларни юритишни соддалаштириш, Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доирасини кенгайтириш ҳамда конституциявий судлов ишларини юритишни янада демократлаштириш каби янги механизмлар назарда тутилган. Буларнинг барчаси мамлакатимиз конституциявий назорат органининг конституциявий қонунийликни таъминлаш ва конституциявий одил судловни амалга оширишдаги ўрни ва ролини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зеро, Конституциявий судга қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ҳужжатларининг Конституцияга мослигига доир ишларни кўриш ваколати юклатилган. Бундай Конституциявий назорат шакли қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлиги махсус ваколатли давлат органи томонидан текширилиши ва баҳоланишини таъминлашга хизмат қилади.

Амалга оширилган конституциявий ислохотлар натижасида янги таҳрирдаги Конституцияда Конституциявий суднинг мустақиллиги янада мустаҳкамланди, ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Белгиланган ваколатлар унинг конституциявий назорат органи сифатидаги ўзига хос мақоми ва компетенциясининг ҳуқуқий табиатидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 133-моддаси биринчи қисми учинчи бандига мувофиқ, Конституциявий суд референдумга чиқарилаётган

масалаларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради. 2023 йил 13 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида”ги қарорининг (иловаси билан) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги иш юзасидан Конституциявий суд мажлиси очиқ-ошкора ўтказилди. Бунда Конституциявий суд, Конституциянинг референдум йўли билан қабул қилиниши халқ ҳокимиятчилиги принципининг энг олий кўриниши сифатида унга юқори легитимлик беришига эътиборини қаратди [20].

Конституциявий судга конституциявий судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Олий Мажлис палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш вазифаси юклатилган. Бу ваколат Конституция устунлиги принципини амалга оширишда Конституциявий суднинг парламент ва давлат раҳбари билан бу йўналишда ўзаро муносабатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, Конституцияни ҳаётга тўлақонли татбиқ этиш ва конституциявий қонунийликни таъминлаш унинг нормаларини амалга оширишнинг аниқ механизмларини қонунчиликда акс эттириш бўйича ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини узлуксиз ва тизимли тарзда ташкил этишни, ҳамкорликни тақозо этади. Жумладан, Конституциявий суднинг 2023 йилги Ахборотида қайд этилган [21], норматив ҳужжатлар лойиҳаларини Конституцияга мувофиқлиги нуқтаи назардан баҳолаш талабини энг асосий, бирламчи мезон сифатида алоҳида белгилаб қўйиш тўғрисида берган таклифи давлат раҳбарининг “Қонунларнинг

ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролини ҳамда норма ижодкорлиги жараёни сифатини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2024 йил 19 февралда қабул қилинган қарорида ҳар томонлама қўллаб-қувватланди [22].

Ўзбекистонда конституциявий шикоят институтининг янгиланган Конституцияда мустаҳкамланиши Конституция даражасида фуқароларга, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли кафолати учун конституциявий одил судлов органига шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлайди. Бу, мазмунан, фуқаронинг ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституция принцип ва нормаларига мувофиқлигини текшириш сўрови билан тегишли тартибда мурожаат қилишини билдиради [23].

Конституциявий суднинг фуқаролар билан мулоқоти кенгайиб бормоқда. Улардан келиб тушган ариза ва шикоятлар ҳар томонлама ўрганилиб, чуқур таҳлил қилиб борилиши йўлга қўйилган. 2024 йил давомида Конституциявий судга жами 1400 та мурожаат, шундан: 1350 таси фуқаролар, элликтаси юридик шахслардан келиб тушган [24]. Ҳар бир шахснинг конституциявий шикоят орқали конституциявий одил судловга эришиш ҳуқуқининг мустаҳкамланиши фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг муҳим омили бўлмоқда. Фуқароларнинг қонунларнинг конституциявийлигини текширишга оид мурожаатлари “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг 29-моддасида белгиланган талабларга мос, шу жумладан, унда қўйилган масала юзасидан мурожаат қилувчининг нуқтаи назари ва мурожаатининг Конституциянинг тегишли нормаларига ҳавола қилинган ҳолда ҳуқуқий асослантирилган бўлиши талаб этилади [25].

Айни пайтда, Конституцияни ҳаётга изчил татбиқ этиш юқори даражадаги

ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиришни тақозо этади. Шундан келиб чиқиб, Конституциявий суд томонидан, биринчи навбатда, давлат хизматчилари ўртасида Конституция тарғиботини кучайтиришга, ҳуқуқшунослик йўналишидаги дарслик ва қўлланмаларнинг янгиланган Конституция асосида ишлаб чиқилишига муҳим эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 17 октябрдаги фармойиши билан тасдиқланган 53 банддан иборат Дастурда доимий хусусиятга эга чора-тадбирлар, айниқса, электрон Конституция кутубхонасини яратиш бўйича вазифа белгиланганини алоҳида таъкидлаш жоиз [26]. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини такомиллаштириб бориш орқали аҳоли барча қатламларининг ҳуқуқий саводхонликка эришини таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам ҳуқуқий давлат қуриш борасидаги интилишларимизга мосдир.

Янгиланган Конституция ва унга мос қонун ҳужжатлари Ўзбекистоннинг суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат сифатида барқарор ривожланишида мустаҳкам ҳуқуқий асосдир. Айни пайтда, Конституцияда белгиланган мақсадларга эришиш учун биргаликда ҳаракат қилиш давлат органлари ва кенг жамоатчилик учун устувор вазифа.

Давлатимиз раҳбарининг: “Янги Ўзбекистон жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакатга айланади. Мен бунга нафақат ишонаман. Барча юртдошларимизни ана шундай улуғ сафда – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари қаторида

бўлишга даъват этаман”, деган фикрлари пок ният билан олий мақсад сари қўйилган дадил қадамлар сифатида бугун ўзининг юксак самараларини бермоқда [27].

Жаҳон банки томонидан Янги Ўзбекистоннинг Европа ва Марказий Осиёдаги иқтисодиёти энг жадал ривожланаётган уч мамлакатдан бири сифатида эътироф этилгани бунинг ёрқин далилидир.

Халқимиз қўлга киритаётган бундай улкан муваффақиятларнинг замирида Асосий қонунимизда мустақамлаб қўйилган давлат суверенитети, инсонпарвар демократик давлат, очиқ ва адолатли жамият, инсон қадрини мутасил юксалтириш, ижтимоий адолат каби энг эзгу ғояларнинг амалдаги тантанаси мужассамдир.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/3107036>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>
4. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>
5. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>
6. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>
7. Ўзбекистон Республикасининг 15.02.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-908-сон Қонуни // <https://lex.uz/docs/6800326>; Ўзбекистон Республикасининг 19.02.2024 йилдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-909-сон Қонуни // <https://lex.uz/docs/6804077>
8. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.02.2024 йилдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-37-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/6811936>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.09.2024 йилдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-311-сон қарори // <https://lex.uz/uz/docs/7098084>
11. Ўзбекистон Республикасининг 01.02.2024 йилдаги “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги ЎРҚ-901-сон Қонуни // <https://lex.uz/docs/6786401>
12. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>

13. Ўша жойда.

14. Ўзбекистон Республикасининг 27.04.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги ЎРҚ-687-сон Конституциявий Қонуни // <https://lex.uz/docs/5391934>

15. Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2001 йилдаги “Прокуратура тўғрисида”ги 257-II-сон Қонуни // <https://lex.uz/docs/106197>

16. Ўзбекистон Республикасининг 28.07.2021 йилдаги “Судлар тўғрисида”ги ЎРҚ-703-сон Қонуни // <https://lex.uz/docs/5534923>

17. Ўзбекистон Республикасининг 11.04.2016 йилдаги “Парламент назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-403-сон Қонуни // <https://lex.uz/docs/2929477>

18. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 23.06.2023 йилдаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сон қарори // <https://lex.uz/docs/6523654>

19. Ўзбекистон Республикасининг 12.01.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-895-сон Қонуни // <https://lex.uz/docs/6750808>

20. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 13.03.2023 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида”ги қарорининг (илоvasи билан) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги иш юзасидан” КСҚ-4-сон қарори // <https://www.lex.uz/docs/6405731>

21. <https://www.konstsud.uz/uploads/2024/12/karor-va-ilova.pdf>

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.02.2024 йилдаги “Қонунларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролини ҳамда норма ижодкорлиги жараёни сифатини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-75-сон қарори // <https://lex.uz/docs/6806476>

23. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>

24. Жорий ҳисобот.

25. Ўзбекистон Республикасининг 27.04.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги ЎРҚ-687-сон Конституциявий Қонуни // <https://lex.uz/docs/5391934>

26. <https://lex.uz/docs/7160383>

27. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари. // <https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda>

